O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 20 октябрь, № 218 (3493) Чоршанба

## НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ПАХТАКОРЛАРИГА, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

*Азиз дўстлар!*

*Авваламбор, сизларни 110 минг тонналик пахта хирмони барпо этиб, шартнома режасини ошириб бажарганингиз билан чин қалбимдан қизғин табриклайман.*

*Ҳеч шубҳасиз, қўлга киритилган бу ютуқ бутун вилоят аҳлининг катта меҳнати, ҳамжиҳатлиги, ташаббус ва интилишларининг, ишга янгича муносабатнинг амалий натижасидир.*

*Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлмиш пахтачилик соҳаси деҳқондан қанчалик фидокорона меҳнат, билим ва тажриба, омилкорлик талаб қилишини барчамиз яхши тушунамиз.*

*Айниқса, Навоий вилоятининг мураккаб иқлим шароитида — Қизилқум саҳросига туташиб кетган ерларда юксак деҳқончилик маҳорати ва миришкорлик ҳисобидангина мўл ҳосил етиштириш мумкин. Шу маънода, сизларнинг эришган бу меҳнат зафарингиз алоҳида эътиборга сазовор.*

*Шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда ҳаётимиздан тобора чуқур ўрин олиб бораётган ислоҳотлар аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун, деган тамойил бутун юртимиз қатори Навоий вилоятида ҳам ўз тасдиғини топмоқда, деҳқонларимизнинг ерга, мулкка, етиштирилган ҳосил ва олинган даромадга эгалик туйғуси янада кучайиб бормоқда.*

*Ноёб ер ости ва ер усти бойликларига эга бўлган Навоий заминининг иқболи ва истиқболини ўз қўли билан яратаётган сиз азизлар, вилоятнинг иқтисодий-ижтимоий, маданий тараққиёти йўлида бундан буён ҳам куч-ғайратингизни аямайсизлар, деб ишонаман.*

*Сизларни эришган меҳнат ғалабангиз билан яна бир бор қутлаб, ана шу эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришда барчангизга ҳамиша янги ютуқлар, бахт ва омад ҳамроҳ бўлишини тилайман.*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

## ХИРМОНЛАР ЁҒДУСИ

### Навоийлик пахтакорларнинг меҳнат ғалабасига барака тилаб битилган ўйлар

Навоийлик пахтакорлар эришган катта меҳнат ғалабаси ҳақидаги хушхабар юракларни ҳаяжонга тўлдирди. Бу кунни навоийликлар узоқ йиллардан буён орзу қилиб келардилар. Узоқ кутилган ғалабанинг нашидаси бўлакча. Меҳнат билан эришилган ғалабанинг завқи ўзгача. Ҳалол қилинган меҳнат ҳеч қачон изсиз кетмайди.

Навоий вилоятининг 110 минг тонналик катта хирмонига Хатирчи тумани 36,5 минг тонна, Қизилтепа тумани 28 минг тонна, Навбаҳор тумани 23,5 минг тонна ва Кармана тумани 22 минг тонналик ҳиссаларини қўшдилар. Ҳосилдорлик гектар бошига 28 центнерданни ташкил этди. Ялпи ҳосилнинг 95 фоизи юқори навларга сотилди. 39400 гектар майдонда етиштирилган пахта ҳосили 31 иш кунида йиғиб олинди. Бу кузги-қишки тадбирларнинг ўз вақтида ўтказилгани, эрта баҳорда белгиланган муддатлардан олдин чигит экилганлиги ва агротехника ишловларининг сифатли амалга оширилганлиги самарасидир. Айниқса, маҳаллий ўғитдан кенг фойдаланиш мўл ҳосил етиштиришнинг гарови бўлди. Энг асосийси, иш ҳақининг ўз вақтида берилганлиги ҳам деҳқонларнинг ғайратига ғайрат қўшди. Йил давомида қишлоқ хўжалик ходимларига 7,8 миллиард сўмдан ортиқ нақд пул тарқатилди. Шунингдек, вилоят раҳбарлари билан фермерлар, пудратчилар, туман ва хўжалик мута-

(Давоми 2-бетда).



## Сайёранинг ҳам ҳиссаси бор!

*Кармана туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги пахтакорлари бу йил 519 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, гектар ҳисобига 30 центнердан ошириб ҳосил йиғиштириб олдилар. Мавжуд экин майдони 68 нафар пудратчига ижарага берилгани, чигит экиш, ғўзаларга ишлов бериш тадбирлари ўз вақтида, агротехника қоидалари асосида амалга оширилгани, йиғим-терим мавсумида теримчилар билан ҳар беш кунда ҳисоб-китоб қилиб борилгани ана шу ютуқнинг омиллари бўлди.*

**СУРАТДА: илғор теримчи Сайёра Яллаева. У ҳозиргача 6 тоннадан зиёд пахта териб топширди.**

**С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.**

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,

Муборак Рамазон ойи кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Саудия Арабистони Подшоҳлиги халқи, ҳукумати ва ўз номимдан самимий табрик ва эзгу истакларни изҳор этишдан ғоят мамнунман. Сизга сиҳат-саломатлик, бахт ҳамда биродар Ўзбекистон халқига тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Аллоҳ азза ва жалладан ушбу саодатли кунларда рўза ва бошқа ибодатларимизни қабул қилиши ҳамда ислом умматига хайр-баракот ато этишини сўраб қоламан.

Жаноби Олийлари, чуқур эҳтиромларимни қабул этгайсиз.

Биродарингиз

**Фаҳд бин Абдулазиз Ас-САУД,**
**Икки муқаддас масжид ходими,**
**Саудия Арабистони Подшоҳи.**

***

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,

Қутлуғ Рамазон ойи бошланиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини табриклаб, эзгу тилакларимни йўллашдан бахтиёрман.

Аллоҳ таборака ва таолодан Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, ушбу муборак ойни барчамизга хайр-баракали қилиши ҳамда ислом умматига юксалиш ва тараққиёт ато этишини сўраб қоламан.

Сизга бўлган юксак эҳтиром ила,

Биродарингиз

**Абдуллоҳ бин Абдулазиз Ас-САУД,**
**Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди,**
**Вазирлар Маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари,**
**Миллий гвардия қўмондони.**

***

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу,

Муборак Рамазон ойи кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига мамнуният ила энг эзгу қутловларимни йўллайман. Сизга соғлиқ, бахт-саодат ҳамда биродар Ўзбекистон халқига равнақ ва фаровонлик тилайман.

Аллоҳ таоло ушбу фазилатли кунларни мусулмон умматига хайр-баракали қилсин.

Жаноби Олийлари, табрик ва эҳтиромларимни қабул этгайсиз.

Биродарингиз

**Султон бин Абдулазиз Ас-САУД,**
**Саудия Арабистони Подшоҳлиги**
**Вазирлар Маҳкамаси раисининг иккинчи ўринбосари,**
**Мудофаа ва авиация вазири.**

***

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Фазилатли Рамазон ойи кириб келиши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини Тунис халқи, ҳукумати ва ўз номимдан очиқ кўнгил ила муборакбод этиш менга ҳузур бахш этмоқда.

Қодир Аллоҳдан бундай кунларни барчамизга хурсандчилик ва баракотлар ила такрор қилиши, қардош халқларимиз фаровонлиги, мусулмон умматининг равнақи йўлидаги саъй-ҳаракатларимизни қўллашини сўраб қоламан.

**Зайн ал-Обидин бин АЛИ,**
**Тунис Республикаси Президенти.**

***Жамият ривожида муҳим аҳамият касб этувчи сайловларга тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш ва сайлов натижаларини аниқлашда қонунбузарликларга йўл қўймаслик мамлакат истиқболига хизмат қилади. Шуни алоҳида айтиш зарурки, ҳуқуқий демократик давлатимизда сайлов конституциявий мақомга эга. Асосий Қонунимизнинг XXIII боби «Сайлов тизими»га бағишланган. Унда жаҳон миқёсида ўзини оқлаб келаётган сайлов ҳуқуқининг асосий тамойиллари — умумий, тенг ва тўғридан-тўғри, яширин овоз бериш йўли билан сайлов ўтказиш тартиблари мустаҳкамланган. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.***

## САЙЛОВДА ЖАВОБГАРЛИК

Конституциядаги мазкур қоидани амалга ошириш учун мамлакатимизда сайлов тўғрисида бир неча қонунлар қабул қилинган. Мисол учун, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидан. Сайлов тизимининг ҳуқуқий асослари бўлган ушбу қонунларда жаҳон сайлов тажрибаларида синалган тамойиллар ва тартиблар ўз ифодасини топган. Ҳокимият вакиллик органларининг сайлов орқали таркиб топишида фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқларидан онгли равишда фойдаланиши муҳим ўрин тутади. Фуқаро қайси номзодга овоз берса, ўша шахсга ўз тақдирини, давлат тақдирини ишонган бўлади. Шуни чуқур ҳис қилган сайловчигина овоз беришда фаоллик кўрсатади ва овоз беришда масъулият билан ёндашади. Шу жиҳатдан қараганда, сайлаш ҳуқуқгина эмас, балки катта масъулият ҳамдир.

Шу йил декабрь ойида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига, ҳамда маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайлов арафасида фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқи ва бу борадаги қонунбузарликлар ҳақида кенгроқ тўхталиб ўтиш зарур. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, сайлов комиссиялари фуқароларни сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг манзили ва иш вақтидан воқиф этадилар. Шунингдек, сайловчилар рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништирадилар. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар хусусидаги маълумотлар ва сайлов якунларидан хабардор қиладилар. Марказий сайлов комиссиясининг фаолияти **қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, мустақиллик, адолатлилик**дан иборат. Мазкур комиссия сайлов тизимининг демократик принциплари амалга оширилишига кўмаклашади, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш имкониятини таъминлашга даъват этади. Ўз ваколатлари доирасида мажбурий характердаги қарорлар қабул қилади. Бу қарорлар устидан фақат Олий судга шикоят киритиш мумкин. Олий суд шикоят тушган пайтдан кейин уч кун ичида, агар сайлов ёки референдумга олти кундан кам вақт қолган бўлса дарҳол кўриб чиқиши лозим. Мазкур Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси сайлов ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарла-

(Давоми 2-бетда).

## Матбуот марказидаги гурунглар

### Бу – долзарб

Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг матбуот маркази Нукусдаги Ғарезсизлик, яъни Мустақиллик майдонидаги муҳташам бинода жойлашган. Бинога киришингиз билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ва маҳаллий Кенгашларга ўтказиладиган сайловлар нафасини сезасиз. Бино фойесида даврий нашрлар, сиёсий адабиётлар, сайлов қонунчилиги билан савдо қиладиган нуқта бор. Ундан мамлакатимиз Конституциясидан тортиб турли қонунларни харид қилиш мумкин.

Иккинчи қаватдаги 17-хонада Матбуот маркази фаолият кўрсатади. Марказ телефон, телефакс, компьютер, замонавий электрон алоқанинг бошқа турлари билан таъминланган. Марказда Қорақалпоғистоннинг тажрибали журналистлари, телевидение ва радио ходимлари галма-гал навбатчилик қилишади. Биз ҳам бир кун давомида марказ иши билан танишдик. Матбуот маркази ҳамиша сайловларни ёритишга чоғланган оммавий ахборот воситалари ходимлари билан гавжум. Айниқса, давра суҳбатлари, семинарлар ўтказиш учун мўлжалланган залнинг Матбуот марказига бериб қўйилганлиги қўл келмоқда. Биз бу ерда бир неча марта бўлғуси сайловлар мавзуидаги суҳбатларда иштирок этдик.

Шу куни Матбуот марказига бир гуруҳ ёш мухбирлар ҳам кириб келди. Уларнинг орасида Қорақалпоғистон Ички ишлар

(Давоми 2-бетда).

*«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси кўпгина халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда хайрия ишларини олиб бормоқда.*

## Соғлом бола - юрт келажаги

Жамғарма кўмаги билан ҳозирга қадар кам таъминланган оилаларнинг бемор болаларидан 45 нафари Европанинг энг нуфузли шифохоналарида даволаниб қайтдилар. Жорий йилда эса 18 нафар бемор бола хориж клиникаларида даволанаётир.

Республикамизнинг барча минтақаларидан юқори лаб ва танглай туғма нуқсонлари бўлган болаларни жарроҳлик йўли билан даволаш мақсадида Германиянинг «Фриендenzдорф Интернейшнл» ташкилоти жамғармага 10 минг евро миқдорида грант ажратган эди. Ана шу маблағ ҳисобидан ҳозирга қадар кам таъминланган оилаларнинг 143 нафар фарзанди республикамизнинг нуфузли шифохоналарида даволандилар.

Кеча "Фриеденздорф Интернейшнл" нинг 18 млн.275 минг сўмлик гранти жамғарма томонидан I- Тош ДТИ нинг болалар жарроҳлиги ва стоматологияси кафедрасига топширилди.

Ушбу маблағ мамлакатимиздаги кам таъминланган оилаларнинг бемор болалари саломатлигини тиклашга сарф этилади.

**М. ТОЖИЕВА.**

«Обуна-2005»

## Кечга қолган армон қилур

*Ҳурматли газетхонлар! Мамлакатимизда чоп этилаётган матбуот нашрларига, шу жумладан, «Халқ сўзи» газетасига барча жойларда обуна бошланди.*

Сиз 2005 йилда чиқадиган «Халқ сўзи»га обуна бўлсангиз:

— Президентимизнинг мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларни янада такомиллаштириш ва чуқурлаштиришга қаратилган фармонлари; бундан кейин икки палатали асосда фаолият юритадиган Олий Мажлиснинг янгича ҳаёти ва ишлаб чиқарадиган янги қонунлари; республикамиз Вазирлар Маҳкамасининг ҳаётга жорий этилаётган қарорлари билан изчил ва ўз вақтида танишиб бориш имкониятига эга бўласиз;

— эшитмадим демангки, газета вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа йирик ташкилотлар раҳбарларининг халқимиз билан «Бевосита мулоқот»ларини уюштиришда давом этади. Булардан ташқари, «Журналист суриштируви», «Яхшидир аччиқ ҳақиқат», «Суд очерки», «Олам нафаси» каби рукнлар янада фаоллаштирилади. Маънавият, мафкура, дунёқараш муаммоларига доир қизиқарли чиқишлардан ҳам баҳраманд бўласиз; янги йилда аҳолини газ, электр, ичимлик суви, дори-дармонлар билан таъминлаш ҳамда бозор ва нарх-наволардаги ўзгаришларнинг сабабларини ўрганишга доир махсус рейдлар ташкил қилади;

— хусусийлаштириш, таълим ва тарбия, ёшлар, спорт масалалари, тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатидаги муаммолар мунтазам газета эътиборида бўлади;

— мамлакатимизда ва халқаро миқёсдаги муҳим янгиликлар билан кенг жамоатчилик янада тезкор равишда таништириб борилади;

— Сиз, азиз муштарийларнинг талаб ва таклифларингиз асосида газетада янги рукнлар очилади ва янги масалалар кўтарилади.

Хуллас, «Халқ сўзи» янги йилда сиз учун янада зарур ва сизни янада қизиқтирувчи ҳамсуҳбат бўлиши, шубҳасиз. Фақат унга ўз вақтида обуна бўлишни унутмасангиз, бас!

Бу масалада иккиланманг, ғафлатда юрманг. Кечиксангиз, армонда қоласиз.

***Нашримиз индекси — 229.***

# САЙЛОВДА ЖАВОБГАРЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

рига, бошқа мансабдор шахсларга мурожаат этишга ҳақли бўлиб, улар масалани кўриб чиқишлари ва уч кун ичида жавоб беришлари шарт.

Мамлакатимизда сайловлар кўппартиявийлик асосида ўтказилмоқда. Ҳар бир партия ўзининг юқори органи орқали ўз номзодларини кўрсатадилар. Бундан ташқари, сайлов ҳуқуқига эга бўлган фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи депутатликка номзод кўрсатиши мумкин. Бу номзодларнинг жамиятдаги турли табақалар вакилларидан иборат бўлишини англатади. Сайловларда сиёсий партияларнинг аниқ мақсад билан иштирок этишлари ҳокимият учун кураш қизғин бўлишига замин яратади. Аммо бундай кураш қонун доирасида бўлгандагина кўзланган мақсадга эришилади. Тилга олиб ўтган Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ сиёсий партия сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камида эллик минг сайловчининг имзосини тўпласа депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин. Имзо варақаларида имзолар сохталаштирилганлиги аниқланган тақдирда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг сайловда қатнашиш ҳуқуқини рад этади. Ушбу Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ сайловчилар имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида, шунингдек, ташвиқот юритиш ва имзо тўплаш қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа жойларда олиб борилади. Имзо тўплаётган шахс томонидан сайловчиларни мажбур қилиш ва уларни пора эвазига ўзига оғдириб олишнинг ҳар қандай шакли қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Ҳар бир фуқаро сайловчилар рўйхатидаги хато ёки ноаниқлик тўғрисида участка сайлов комиссиясига арз қилиши мумкин, у 24 соат ичида кўриб чиқилиб, хато ёки ноаниқлик бартараф этилиши ёхуд сайловчига унинг аризаси рад этилгани тўғрисида асослантирилган жавоб берилиши шарт. Сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракати ёки қарори устидан қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиш мумкин.

Юқорида келтириб ўтган Қонуннинг 65-моддасига кўра, фуқароларнинг Олий Мажлисга сайлаш ва сайланиш, сайловолди ташвиқоти олиб бориш ҳуқуқларини амалга оширишларига зўравонлик, алдаш, таҳдид қилиш ёки бошқа йўл билан қаршилик кўрсатувчи шахслар, шунингдек, сохта сайлов ҳужжатлари тузган, овозларни атайин нотўғри санаб чиққан, овоз бериш яширинлигини бузган ёки бошқача тарзда бузилишига йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, бошқа мансабдор шахслар, сиёсий партияларнинг вакиллари, сайловчилар ташаббускор гуруҳларнинг аъзолари жавобгарликка тортилади.

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод ёки Сенат аъзолигига номзод тўғрисида сохта маълумотларни эълон қилган ёки ўзгача тарзда тарқатган шахслар ҳам жавобгар бўладилар. Сайлов кампанияси жараёнида депутатликка номзодлар ахлоқ-одоб, бир-бирини ҳурмат қилиш қоидаларига, сайловчилар эса умумэътироф этилган жамиятда юриш-туриш қоидаларига риоя этишлари лозим.

«Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодекснинг V бобида туҳмат, яъни билиб туриб ёлғон, бошқа шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатиш, ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан камситиш, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишни рад этганлик, мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузганлик, қонунга зид қарор қабул қилинган ҳолатлар ҳам жавобгарликка сабаб бўлиши белгилаб қўйилган. Шунингдек, Қонунда фуқаронинг бузилган ҳуқуқларини тиклашни, шикоят муносабати билан қабул қилинган қарор ижросини таъминламаганлик ва бошқа бир қатор ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик белгиланган. Қонунбузарликнинг бундай турлари ҳақида гапирганда Жиноят Кодексида белгиланган жазо чораларни ҳам келтириб ўтиш лозим. Ушбу Кодекснинг VI боби шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятларга бағишланган. Унда маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этган туҳмат ва ҳақорат қилганлар жавобгар бўлишлари кўрсатилган. Мазкур кодексдаги VII бобда эса фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини, фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ҳамда виждон эркинлигини, сайлов ва референдум ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакиллар ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилганлар ҳам қонун олдида жавоб бериши кўрсатилган. Шунингдек, XV бобда ҳокимият ёки мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш, мансаб сохтакорлиги ва бошқа ҳуқуқбузарликлар учун бир қанча жиноий жавобгарлик белгиланган.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзод кўрсатган сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакилларидан ташқари бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлардан ҳам кузатувчилар қатнашадилар. Бу кузатувчилар сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, сайлов натижалари билан боғлиқ фикрлари учун жавобгар бўлмайдилар. Лекин хорижлик кузатувчи Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатлари, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этган принциплари ва меъёрларини бузса, Марказий сайлов комиссияси унинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиши, кузатувчилик мандатини олиб қўйиши, унинг мамлакатда бўлиши масаласини эса Ташқи ишлар вазирлигига киритиши мумкин.

Давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи сиёсий ҳуқуқлардан бири бўлиб, сайлов ҳуқуқини ҳаётга татбиқ этишда сайлов тўғрисидаги қонунлар муҳим роль ўйнайди. Зеро, қонунларни ҳаётга тўғри татбиқ этиш сайловчиларга имконият ва имтиёз яратса, уларни четлаб ўтиш ёки бузиш жавобгарлик сари етаклайди. Шу туфайли ҳаётда қонунга итоат этиш тараққиёт ва фаровонлик рамзи бўлиб қолаверади.

**Бахтиёр ПЎЛАТОВ,**
**юридик фанлари доктори.**

# ХИРМОНЛАР ЁҒДУСИ

## *Навоийлик пахтакорларнинг меҳнат ғалабасига барака тилаб битилган ўйлар*

(Давоми. Боши 1-бетда).

саддилари ўртасида бир-бирларини англаш, тушуниш, ҳар-ким ўз ишини тўғри ва билиб бажариш, ортиқча асаббузарликка йўл қўймаслик ҳам бугунги меҳнат ғалабасининг асосий омилларидан бири десак, янглишмаймиз.

Навоийликлар учун, ҳақиқатан ҳам, бу йил — пахта йили бўлди. Сентябрь ойининг ўрталарида Навоий далаларини кезган киши улкан денгиз мисол чайқалиб ётган оппоқ пахтазорни кўриб ҳайратга тушарди. Пахтазор эса этаклари узун-узун оппоқ ҳарир кўйлагини оҳиста судраб кетаётган келинчакка ўхшайди. Сулув, ғайратли ва гўзал келинчаклар каби пахтанинг ҳам бахти очилди. Деҳқонлар ибораси билан айтганда: «Бу йил пахта чаноқларга сиғмай, тўлиб-тошиб кетди». Кўсаклар гўё бир-бирлари билан баҳслашгандай лўппи-лўппи бўлиб очилдилар. Пахтазорлар терим завқидан ҳузур қилди, яйради. Теримчиларнинг ғайрати туфайли улкан пахта хирмонлари бунёд бўлди. Бундай ажойиб ва бебаҳо лаҳзаларда кишининг илҳоми жўшади, қалби чаноқлардай тошади. Ё қўшиқ, ё шеър айтгиси келади:

*Чаноқлардан пахта эмас,*
*меҳр тўкилади,*
*Чаноқларда деҳқон*
*ғурури мужассам.*
*Чаноқлардан юракларга*
*сеҳр югуради,*
*Чаноқларда ғалаба*
*сурури мужассам...*

Теримнинг дастлабки кунларидаёқ «Гўзал Маржона», Раҳим Исмоилов номли, «Азамат Комил» сингари фермер хўжаликлари зафар маррасига етиб келдилар. Хатирчи туманидаги Қосим Раҳматов ва Акмал Икромов номли, Қизилтепа туманидаги «Деҳқонобод» ва «Варозум», Навбаҳор туманидаги «Истиқлол», Кармана туманидаги «Маданият» ва «Нарпай» хўжаликлари қисқа муддатда давлат шартнома режасини биринчилардан бўлиб бажардилар. Бу илғор хўжаликларда ўзига хос пахтачилик мактаблари яратилган. Хўжалик раҳбарларидан тортиб деҳқонгача қайси далада қайси навли пахта экилишини ва унга қачон ишлов берилишини яхши биладилар. Иш жараёни янги технологиялар асосида ташкил этилаётгани муваффақиятлар гарови бўлаётир.

— Энг муҳими, фермерлар ерга ва мулкка эгалик ҳиссини чуқур англаб етяптилар. Топширилган пахта ҳосилининг 62 минг тоннаси ёки 56,4 фоизи 2490 нафар фермер хўжалиги улушига тўғри келди.

Бу йил навоийликлар пахтачиликдан 28 миллиард сўм даромад, 3,5 миллиард сўм соф фойда олишни кўзлаганлар. Тармоқ рентабеллиги ўтган йилга нисбатан 15 фоизга оширилиб, 25 фоизга етказиш кутиляпти. Олинган даромаднинг асосий қисми аҳоли фаровонлигини янада яхшилаш, қишлоқ инфратузилмасини изчил ривожлантириш ҳамда янги замонавий техникаларни сотиб олишга йўналтирилади.

Навоийликларнинг юзлари ёруғ бўлди. Шартномада битилган ваъдани уддалашган бўлсалар-да, терим суръатини асло пасайтирганлари йўқ. Машаққатли меҳнатлари эвазига етиштирилган ҳосилнинг сўнгги толаларини ҳам нест-нобуд қилмай йиғиб-териб олмоқчилар. Истардикки, навоийлик пахтакорларни асло ғолиблик руҳи тарк этмасин. Яратилган улкан хирмонлар ёғдуси олис-олисларга тарақалиб турсин.

**Ашурали ЖЎРАЕВ.**



## *Булоқбошиликлар маррада*

**Туман пахтакорлари йиллик шартномавий режани бажардилар. Қайта ишловчилар булоқбошиликлардан 11091 тонна қимматбаҳо саноат хомашёси қабул қилиб олишди. Гектарлар ҳосилдорлиги А. Қаюмов, Ойбек ва Б. Ражабов номларидаги хўжаликларда айниқса юқори бўлди.**

**— Биргина пахтачиликнинг ўзидан 565 миллион сўм даромад қилишимиз кутилмоқда, — дейди Жўраполвон номли хўжалик раҳбари Р. Жўраев. — Уруғлик ҳисобига олган даромадимиз эса 65 миллион сўмни ташкил этмоқда.**

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## *Элликқалъаликлар зафари*

**Элликқалъа тумани пахтакорлари йиллик пахта тайёрлаш шартнома режасини бажарди. Ватан хазинасига 27100 тонна кўрик хомашёси топширилди.**

**Эришилган муваффақиятга «Тозаамиробод», Ғани Одилов номидаги ширкат хўжаликлари, «Элликқалъа», «Бўстон», «Боғёп», «Янгиер», «Дўстлик», «Сарибий» фермер хўжаликлари уюшмалари муносиб улуш қўшдилар. Ҳосилнинг бир қисми «Кейс» агрегатлари ёрдамида териб олинди. Айрим фермер хўжаликларида ҳосилдорлик 40-45 центнерни ташкил қилди.**

**— Сотилган «оқ олтин» ҳисобига кутилаётган соф фойда 2 миллиард сўмдан ошади, — дейди туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Неъматулла Худойберганов. — Мақсадимиз келгусида йирик пахтачилик ва уни қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантирадиган ҳудуд ташкил қилишдир.**

**Ўз мухбиримиз.**

# «... Гуҳари шарифроқ йўқ ондин»

## Эртага ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганига 15 йил тўлади

***Сўзнинг, кенгроқ маънода, тилнинг икки асосий вазифаси бор: улар илк бор одамлар ўртасида ўзаро муомала, алоқа қуроли тарзида дунёга келган, шундан кейин тафаккур қуролига ҳам айланган. Инсон тафаккури ривожлангани сари тил бойлиги, сўзлар дунёси ҳам бойиб, оддий ва мураккаб гап тузилишларидан тараққиётнинг янада юксакроқ босқичларига кўтарилган. Инсоният тинимсиз ривожланар экан, демак тил тараққиёти ҳам абадийдир. Тил — инсониятнинг бебаҳо, буюк имконияти. Инсон тил бойлигини вужудга келтирган бўлса, бу бойлик инсоннинг ўзини ҳам тенгсиз камолот чўққиларига кўтариб келмоқда. Бу улуғ ҳақиқатни мутафаккир бобокалонимиз Алишер Навоий қуйидаги шеърий сатрларида ёрқин ифода этади:***

***Сўздурки, нишон берур ўликка жондин,***
***Сўздурки, берур жонға хабар жонондин,***
***Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,***
***Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.***

Ҳа, тил — инсонни бутун мавжудот оламидан юқорига кўтариб, уни тирикликнинг тожига айлантирган кучдир, қудратдир. У ноёблардан ноёброқ ҳодисадир. Навоий бобомиз айтганларидай, тирик оламда сўздан гавҳари шариф, яъни аъло ҳодисани, мўъжизани топиш қийин.

Яна шуни ҳам инобатга олишимиз керакки, инсоният мавҳум тушунча эмас, у алоҳида миллатлар ва элатлардан ташкил топган. Бинобарин, тиллар ҳам миллий манбаларда ривожланади. Пировардида, дунёда қанча миллат ва элат бўлса, тиллар ҳам шунчадир. Ва ҳар бир гулнинг ўз бўйи, ўз ранги, ўз таровати бўлганидек, миллий тиллардан ҳар бирининг ҳам ўзига хос жозибаси ва мафтункорлиги бор. Буни инкор этиш — тараққиётнинг муҳим бир қонуниятини инкор этишдир.

Афсуски, тарихда тараққиётнинг асл қонун-тартибларига зуғум, зўравонлик кўрсатишлар кўп марталаб содир этилди. Жумладан, миллий тиллар ривожини чеклаб қўйиш, уларнинг сўниб, ўлиб кетишига олиб келган зўравонлик ҳолатлари, мустабидлик сиёсати, империяпарастлик юришларига инсоният озмунча гувоҳ бўлмади. XX асрнинг охирида инсоният тараққиётида буюк ўзгаришлар юз бериб, ер юзида миллий ва мустақил ривожланишларга кенг йўл очилди. Мана шундай тарихий-сиёсий ўзгаришлар манбаида миллий тиллар ривожига ҳам катта имкониятлар туғилди. Аммо бугун ҳам аҳён-аҳёнда миллий тиллар ривожига хушламай қараш ҳолатларига дуч келиб турамиз. Гўё миллий тиллар ривожи тараққиёт бўлмай, амалда сепаратизмга, биқиқликка, умуминсоний тараққиёт йўлларидан четлашувга олиб келади, деган ғалати нуқтаи назарлар илгари сурилмоқда. Бундай қарашлар, гарчи умумий, глобал тараққиёт манфаатларидан келиб чиқиб айтилаётгандай туюлса-да, лекин уларнинг ич-ичида эски империяпарастликнинг мудҳиш муддаолари яширин эканлигини сезиш қийин эмас.

Аслида эса, миллий тил — халқ мустақиллигининг, миллат маънавий ўзлигининг энг биринчи шарти ва шароити эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Ахир ҳар бир миллий тил — шу халқнинг тарихи, маданий мероси, турмуш тарзи, руҳияти, урф-одати ва анъаналарини ўзида мужассамлаштирган хазина-ку! Демак, ҳар бир халқ ўзининг бундай бойликларидан воз кечишни хоҳламас экан, демак, ўз она тилидан ҳам воз кечмайди.

Фақат шугина эмас. Мустабидлик даврида ўзбек тилшунослиги рус тилшунослиги назариясига мослаштирилди, тилимизнинг бетакрор хусусиятлари эътибордан четда қолдирилди. Бундай ҳолатлар бухоролик тилшунос олим, профессор Ғани Зикриллаевнинг 2000 йилда чоп этилган «Истиқлол ва она тили таълими» рисоласида аниқ мисоллар таҳлили орқали ишонарли кўрсатилган. Шу ўринда айрим далилларни келтириб ўтайлик. Масалан, рус тилида барча жониворларни «Ким? (кто?)» деб аташ хос хусусият. Лекин ўзбек тилида фақат инсон зотига нисбатан «Ким?» сўроғи қўлланилади. Демак, ўзбек тилидаги «от» сўз туркуми таърифини ишлаб чиқишда ҳам бундай тафовутлар қатъий ҳисобга олиниши зарур. Ҳозирги тилшунослигимизда шундай изланишлар бўляпти. Тилнинг фонетик, морфологик ва синтактик йўналишларида миллий тил ўзига хослигини қайтадан идрок этиш муҳим вазифалар тарзида қўйилмоқда.

Аммо муаммолар ҳам оз эмас. Бундан бир неча ой муқаддам Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида она тилимизнинг Давлат тили мақомига эришиш йўлидаги долзарб масалаларга бағишланган анча мазмундор, амалий фойдали анжуман бўлди. Жумладан, ушбу даврада ҳаётдаги ҳар бир соҳанинг, касб-мутахассисликнинг ўз тил имкониятларини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу жуда муҳим масала. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқшунослик ва бошқа илм-фан йўналишларида атамашунослик ўткир муаммоларга дуч келмоқда. Тилшуносларимиз бу борада ҳам илмий-амалий фаолиятни кучайтириб, бошқа соҳалардаги атамашунослик масалаларининг ҳал этилишига яқиндан кўмаклашишлари керак бўлиб қоляпти.

Тил тадқиқотчилиги янги, янада юксак марраларни кўзлайдиган пайт келди. Шу ўринда битта далил келтириб ўтайлик. Мен яқинда даниялик машҳур тилшунос олим Отто Есперсиннинг рус тилида чоп этилган «Философия грамматики» деган китобини ўқиб қолдим. Кўриниб турибдики, тилларнинг ҳам ўзига хос фалсафаси бўлар экан. Мазкур китобда инглиз тилининг фалсафий асослари тадқиқ этилади. Тилнинг фалсафий асоси эса — миллий тил тараққиётининг муҳим жиҳатларидан биридир. Бизнинг тилшунос ва файласуф олимларимиз ҳам ўзаро ҳамкорликда бундай янги илмий-тадқиқот йўналишларини йўлга қўйсалар, маънавий маданиятимиз ривожи учун самарали иш қилган бўлур эдилар.

Худди шу маънода, атоқли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг 2003 йил 21 октябрь куни «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган «Она тилим» номли мақоласидаги мана бундай фикрлар ҳамиша долзарб бўлиб қолаверади: «Ҳар йили 21 октябрни табаррук кундай нишонлашимиз дуруст. Лекин она тилимизни бойитиш, атамалар устида ишлаш, чет тиллардан кирган сўз ва терминларга муносиб ўзбек сўзларини топиш устида ғайрат ва жонбозлик кўрсатиш кўнгилдагидек эмас. Ваҳоланки, тилга Давлат мақомининг берилиши узоқ йиллар давом этадиган, барча касб эгаларининг сафарбарлиги, айниқса, зиёлиларнинг тинимсиз меҳнатларини талаб қиладиган умуммиллий жараённинг бошланиши, холос. Ушбу кўламли меҳнат Фанлар академияси ёки Вазирлар Маҳкамаси қошида тузилган Атамалар қўмитасининг ўзи амалга оширадиган иш эмас».

Ҳа, тилимиз тараққиёти, унинг юксак Давлат мақомининг мустаҳкамланиб бориши умуман миллатимиз зиёлиларининг олдида турган заҳматли ва фидойиларча меҳнат эканлигини унутмайлик.

**Норбой ХУДОЙБЕРГАНОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор.**

## *«Нима? Қачон? Қаерда?»*

*Пойтахтимизда мактаб ўқувчилари ўртасида ташкил этилган "Нима? Қачон? Қаерда?" очиқ чемпионатининг саралаш мусобақалари бошланди.*

*Ёшларнинг интеллектуал онгини ошириш, илм-фанга қизиқишини кучайтиришни кўзлаган ушбу тадбир "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан ташкил этилди.*

*Қарийб ўн кун давом этадиган очиқ чемпионат саралаш мусобақалари ғолиблари "Бунёдкор" ёшлар телеклубида танловнинг финал босқичида иштирок этадилар. Ғолибларни эса ташкилотчилар ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари кутмоқда.*

**Ўз мухбиримиз.**

# Матбуот марказидаги гурунглар

(Давоми. Боши 1-бетда).

вазирлигига қарашли «Тинчлик посбони» газетасининг жамоатчи мухбири Парахат Жиянмуратов ҳам бор эди. Ёш журналистлар ўзларининг сайлов тўғрисида тайёрлаган мақолаларини бу ердаги малакали мутахассисларга кўрсатиб, маслаҳат олдилар. Шунингдек, бу ерда ёшларнинг бири сайловчилар билан суҳбатлашганида бир фуқаро ундан «Қонунчилик палатасининг 120 депутати доимий асосда иш олиб боришини биламиз. Аммо Сенат аъзоларидан қанчаси шу йўсинда иш олиб боради?», деб сўрабди. Матбуот марказининг ўзида унга «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий Қонун кўрсатилди. Қонуннинг 6-моддасида «Сенатда доимий асосда ишловчи сенаторларнинг сони сенаторлар умумий сонининг тўртдан биригача бўлган миқдорда белгиланади», деб ёзилган. Шу куни бу ерга тўпланган газета, радио ва телевидениенинг етакчи мухбирлари ҳам ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Марказ ўз фаолиятини кундан-кун жонлантирмоқда.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Мақсад — минтақада барқарорликни таъминлаш

***Кеча НАТО Бош котиби Яап де Хооп Схеффернинг Марказий Осиё давлатларига ташрифи бошланди.***

Шу муносабат билан «Би-Би-Си» мухбири НАТОнинг Ўрта Осиё давлатлари, жумладан, Ўзбекистон билан алоқаларининг истиқболлари борасида Шимолий альянс Бош котиби билан суҳбатлашди.

**Ўзбекистон ва жаҳон**

Бундан бир муддат олдин Истанбулда бўлиб ўтган НАТО саммитида ҳам Яап де Хооп Схеффер мазкур минтақа давлатлари билан кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантириш зарурияти тўғрисида ўз фикрларини билдирганди. Бош котибнинг таъкидлашича, минтақадаги барча давлатлар, хусусан, Ўзбекистон ҳам НАТОнинг сиёсий жиҳатдан муҳим ҳамкори. Бу борада дадил амалий қадамлар ташланган. Ўзбекистон ташкилотнинг Афғонистондаги тинчликпарвар миссиясини нафақат қўллаб-қувватламоқда, балки яқиндан кўмак бериб келаяпти.

Суҳбатда Схеффер Ўзбекистон билан биргаликда ишлаб чиқилган бир неча қўшма лойиҳаларга тўхталиб ўтди. Жумладан, фавқулодда ҳолатларда аҳолига ёрдам беришни режалаштирувчи қўшма лойиҳалар ишлаб турибди. Фарғона водийсида НАТО ҳарбийлари билан биргаликда ўқув машқлари ўтказилди.

— Бугунги кунда дунё аҳли умумий таҳдидлар билан рўпара келмоқда. Бу террорчилик, оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олишда яққол кўзга ташланади. Мазкур таҳдидлар чегара билмайди. Қолаверса, Марказий Осиё минтақаси стратегик муҳим аҳамият касб этади, — дейди Бош котиб суҳбатда.

Кўпчилик Марказий Осиёнинг стратегик аҳамиятини, айнан Афғонистонга қўшни бўлгани билан ҳам изоҳлашади. Бош котиб суҳбатда НАТО мақсадига ойдинлик киритади: «Бу фақатгина минтақада бизнинг ҳарбий ҳозирлигимизга дахлдор эмас. Масала бундан-да кенгроқ, яъни ҳамкорликда минтақанинг барқарорлигини доимий таъминлашдир».

Маълумки, НАТО Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Ўзбекистон билан ҳам «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастури асосида анчадан буён шериклик қилиб келмоқда. Схеффер ҳар бир давлат билан алоҳида ишлаб чиқилган ушбу дастур истиқболлари ҳақида ҳам тўхталар экан, бу йўлда нафақат ҳарбий, балки бошқа соҳаларда, хусусан фавқулодда ҳолатлар пайтида ҳам НАТО ўз ёрдамини аямаслигини таъкидлади. Шу билан бирга Схеффер НАТОнинг Афғонистондаги амалиётлари соҳасида Марказий Осиё мамлакатларининг ўз ўрни борлигини алоҳида эътироф этади.

«Биз умумий таҳдидларга қарши курашар эканмиз, ҳамкорлигимиз ўзаро манфаатлардан холи эмас» дея суҳбатни якунлайди Яап де Хооп Схеффер.

**Юнус БЎРОНОВ тайёрлади.**



*Пахтакорлар учун энг масъулиятли палла бошланди. Буни тўғри англаган Бекобод туманидаги Улуғбек номли ширкат хўжалиги деҳқонлари йиғим-терим суръатини кун сайин оширмоқдалар. Гектарлар ҳосилдорлигини режадаги 28 ўрнига 30 центнерга етказишга аҳд қилган хўжалик далаларида теримчилар басма-баси авжида. Айниқса, Мадина Мўминова кўпмингкилограммчилар баҳсида пешқадамлик қилмоқда.*

**СУРАТДА: теримчи Мадина Мўминова, тарозибон Абдумажид Самадов ва бўлим бошлиғи Тожибой Жўраев.**

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## *Хатирчи ҳам довондан ошди*

Жорий йил Хатирчи тумани меҳнаткашлари учун хайрли келди. Зеро, 1997 йилдан буён пахта тайёрлаш режасини уддалай олмай келган туман аҳли бу йилда уни ортиғи билан бажарди.

Туманнинг миришкор деҳқонлари 35,1 минг тонналик хирмон уйдилар. Бу улкан довоннинг забт этилишида И. Икромов номли, К. Раҳматов номли, Э. Абдиев номли, А. Навоий номли ширкат хўжаликлари меҳнаткашлари, айниқса, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 53,0 фоизини бераётган 931 та фермер хўжалигининг ҳиссаси салмоқли бўлди.

**А. НОРБОЕВ.**

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ !
ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ · STATE COMMERCIAL PEOPLE-BANK · BANK
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН
7162Р/186

*Мулоҳаза*

# СУЯНЧ ТОҒИММИСИЗ, ОҒАЖОН?

***Эътибор берган бўлсангиз, қишлоқларда одамлар йўлни яқин қилиш учун экин экилган майдонларни босиб сўқмоқ очишади. Бундай “сўқмоқ”лар бедазорда ҳам, пахтазорда ҳам, ҳатто, полиз пайкалларида ҳам мавжуд. Фақатгина, буғдойзорда йўқ. Сабаби, буғдойзорни пайҳон қилиш гуноҳлар ичида энг оғир гуноҳ саналади. Бироқ, сингилни йўқлаш учун кетаётган оға учунгина ғаллазорни босиб ўтиш гуноҳ саналмас экан. Биласизми, нега? Негаки, заифа, мунглиғ деб ҳисобланмиш сингилни йўқлаган ака гуноҳлардан буткул фориғ бўлармиш.***



## «Оғироёқ» сингил

Онам бетоб бўлиб шифохонага тушдилар. Хабар олиш учун эрталаб у ерга бордим. Шифохонанинг “Гинекология” бўлимида “Операция кетаяпти” деб ёзилган хона ёнида йиғлаб турган ёшгина йигитчани кўриб бироз ажабландим.

— Бирор яқинингиз операция бўлаяптими?

— Ҳа, — дейди у кўз ёшларини тиёлмай, — синглим.

Синглиси жуда эрта турмушга чиққан экан-да, ўйлайман ўзимча. Ў

— Синглингизга нима қилган?

Хуллас, операция тугагунча йигит билан анча суҳбатлашдим.

— Синглим ўн олти ёшда. Ҳали турмушга чиқмаган. Ичида ўсмаси бор экан.

Йигитнинг гаплари аянчли эди.

... Отадан эрта айрилган болаларни онаси оқ ювиб, оқ тарабди. Оилада уч ўғил ва бир қиз камолга етибди.

— Акаларим уйланган. Ўзларига тўқ, — дейди суҳбатдошим. — Бироқ, оилада янгаларим ҳукмрон. Касал синглимни “бузуқ”қа чиқарганлар ҳам янгаларим бўлди. Онам вафот этгандан буён бечора синглимга кун йўқ. Ўзим Тошкентда ўқийман, ўтган ҳафта уйга борсам, синглим кучала бўлиб ётибди.

Янгаларимдан нима бўлганини сўрасам, унинг “бузуқлигини”, “оғироёқлигини” айтишди. Ва бу совуқ гапни худди бегона ҳақида гапираётгандай айтди. Кейин билсам, ўша куни янгаларим синглимни акаларимга ўлакса қилиб дўппослатган экан. Буларнинг барчаси бировнинг юзига тик қаролмайдиган, оқила бир қиз — синглимга туҳмат эди! Ҳатто синглим ўз жонига қасд қилмоқчи бўлибди. “Акажон, сиз ҳам мен ҳақимда ёмон хаёлга борманг, деган ўй билан келишингизни кутдим”. У хун-хун йиғлади.

Суҳбатдошим синглисини етаклаб дўхтирга боради ва унинг қорин бўшлиғида (бачадонида) ўсма (киста) борлиги аниқланади. Самарқанддан Тошкентга Онкология шифохонасига йўлланма беришади.

— Акаларим синглимни касал эканлигини билишгач ҳам миқ этишмади. Синглимни минг бир маломатга қўйган янгаларим ўргатишганми ёки аввалдан улар шу қадар бағритош бўлишганми, ҳар қалай, уни даволатишим учун бирор сўм ҳам беришмади. Акаларимга билдирмай, онамнинг маъракасига сўямиз деб боқаётган қўйимизни сотишга мажбур бўлдим. Ана шу пулга Тошкентга келдик.

Операция тугади. “Ҳаммаси яхши бўлган”лигини эшитган аканинг қувончи чексиз эди.

“Синглимни ота-онамнинг руҳлари қўллади. Ҳали у бахтли бўлади”. Йигит кўз ёшларини тиёлмасди. Атрофдаги кўнгли бўш кишиларнинг ҳам кўзлари ёшлангандай бўлди.

— Ўғлинг бўлса, шундай меҳрибон бўлса...

Ўша куни ташвиш билан ўтирган ҳар бир кишининг кўнглидан шу гап ўтди.

## Бағрикенглик

Хатлар бўлимида ишлардим. Ҳамза туманидан бир аёл шикоят олиб келди. Унда ёзилишича, акаси уни болта билан чопиб ташламоқчи бўлган, ота уйидан қувиб солганмиш.

— Милицияга арз қилмадингизми? — сўрайман онахондан.

— Йўқ, жигарчилик. Қамалиб кетмасин тағин, унинг устига бола-чақаси ҳам йўқ. Бир бечора бўлса...

Хуллас, опа яшаётган хонадонга бордим. Чоғроққина ҳовли. Опа бизни отахон ётган ҳужрага бошлади. Ўзлари эса кирмадилар. Тўрдаги кароватда бир қария ётарди. Кўринишидан беозор кўринган отахон наҳотки безори бўлса, деган фикр туғилди, менда.

— Қизим, қисмат экан. Худога нимамдир ёқмаган бўлса керакки, бошимга кўп азобларни солди...

Отахон фарзандсиз экан. Кампирининг вафотидан сўнг, ёлғиз қолган отанинг ҳовлисига синглисининг ўғли оиласи билан кўчиб келибди.

— Қизим, бир йил ичида ўз уйимда бегона, ижарачига ўхшаб қолдим. Кичик синглимнинг ўғли кўчиб келишидан жанжал чиқди. Уйлар кўп. Ҳар қалай ижарада тургандан кўра уй олгунча бизникида тургани яхши эмасми? Кўпчилик бўлса, ҳарқалай ёлғизлигинг билинмайди...

— «Сен нега опа-сингилларнинг ўртасига низо соласан», деб катта синглим келиб жанжал кўтарди. Мен ҳар иккиси ҳам ёш оила эканини, шу ерда турса, ҳеч бўлмаганда ижара пули ёнига қолишини тушунтирдим. Қани тушунса. “Уйингни хатлаб бермоқчи эмишсан», деб роса жанжал қилди. Охир-оқибат, мана бошим ёрилди.

— Муштлашдингизми?

— Йўғе, синглим билмай болтачани отиб юборганди, бошимга тегди. Ҳечқиси йўқ, ўтиб кетади. У ўзи болалигида ҳам қайсар эди. Уйимни ўша синглимнинг ўғлига совға қилганман. Унинг сал қўли калтароқ. Ҳарна, битта боласи уйли бўладию.

Отахон билан хайрлашарканман, сингил мени кузатиб қўяди.

— Акам мен ҳақимда нима дедилар? Бошини ёриб қўйганлигимни ҳам айтдиларми?

— Акам мени чопиб ташламоқчи бўлди, демаганмидингиз?

Аёл уялиб ерга қаради.

— Акангиз сиз ҳақингизда бирор оғиз ҳам ёмон гапирмадилар. Фақат ёшлигингизда ҳам қайсар бўлганлигингиз, бироқ кўнглингизда кир йўқлиги ҳақида гапирдилар.

Опа бироз маъюслангандай бўлди. Балки ўша дамда болалиги хотирасида жонлангандир. “Акам ёшликларида ҳам шундай кўнгилчан эдилар. Мен аҳмоқ, бошини ёриб қўйдим, энди бирор жойга арз қилсалар менга ёмон бўлади, деб газетага боргандим. Сизни овора қилганлигим учун узр, синглим. Мен ҳозироқ акамдан кечирим сўрайман. Биламан, у киши кечиримлилар”.

Аканинг бағрикенглиги боис бир оила яна иноқ яшай бошлади. Ўз хатосини тушунган сингил акасига жуда меҳрибон бўлиб қолганлигини, ака ҳам унинг тазаррусини қабул қилганлигини ота билан қўнғироқлашганимда билдим.

## «Машҳур оға»нинг совғаси

Наманганда танишим малака ошириш учун Тошкентга келаётганларини ва бизникига тушишларини айтди. Режага кўра улар якшанба куни кундузи келишлари лозим эди. Бироқ, келмади. Кечқурун соат 22 ларда эшик қўнғироғи чалинди: Мукамбар опа! У кишининг ёнларида яна ўзлари қатори бир аёл ҳам бор.

— Бу — Шарифахон, бирга ишлаймиз, — дея опа кечикканлари учун узр сўрадилар. Йўл сумкаларини қўяркан, ҳижолатомуз:"-Бозорга ҳам тушолмадик", деб қўйдилар.

Нима учундир, Шарифахоннинг кўзларида ўкинч, мунг кўрдим.

Суҳбат давомида бунинг сабаби маълум бўлди.

... Ўша куни икки дугона машҳур рассом, яъни Шарифахоннинг акасиникига боришибди. “Акам данғиллама участкада турадилар. Ҳатто ўқишимизни гаплашиб беришлари ҳам мумкин. Ётоқхона-потоқхона қилиб юрмаймиз”, деб аканикига йўл олишибди. “Данғиллама уй”да жамоат жам экан.

— Ке, Шари, уйдагилар яхшими, болларинг ўқияптими?

Ака Мукамбар опам билан бош қимирлатиб “саломлашган” бўлибди.

— Ҳозир кеннайинг келади, чой-пой қўйиб турларинг, мен ҳозир, – дебдию бир хонага кирганча қайтиб чиқмабди. Шарифахон уялганидан чой дамлабди, қишлоқдан келтирган нарсаларини дастурхонга қўйибди. Ўзларини ўзлари меҳмон қилиб турган бир пайтда уй ичкарисидан уйқудан қовоқлари шишиб кетган келинойи чиқиб келибди ва улар билан қўл учида сўрашибди. Онасининг кетидан бирин-кетин ошхонага чиққан жиянлар ҳам қишлоқи аммага қиё боқишмабди. Гап-гапга қовушмагач, Мукамбар опа кетишлари зарурлигини айтиб, мезбонлардан узр сўрабди. Энг ачинарлиси, Мукамбар опа майликуя, Шарифахонга ҳам ҳеч ким қол, демабди. Шунинг учун кеч бўлса-да, улар бизникига кириб келишган экан. Ўша куни минг далда берганимизга қарамасдан, Шарифахон узоқ йиғлади, ўксиб-ўксиб йиғлади.

Эртаси куни улар юкларини қолдириб малака ошириш институтига жўнадилар. Тушдан кейин нарсаларини олиб кетишди. Ўқишлари тугаб кетиш олдидан улар яна бизникига келишди. Бирга “Отчопар” бозоридан улбул харид қилдик. Шарифахон ўзига чиройли сумка олди.

Яқинда улар яшайдиган қишлоқдан бир дугонам келди. “Шарифа опам акаларининг адресларини бермоқчийдилар, олмабман. Ўтган сафар улар малака оширишга келганларида акалари ҳужжатларини тўғрилаб беришган экан. Синглисини роса совға-саломлар билан жўнатибди. Қаранг, туғилган кунимда акаси олиб берган сумкани менга совға қилдилар”.

Унинг қўлида Шарифа опа “тишининг ковагида” асраган пулига олган сумка эди!

Бўғзимга нимадир тиқилгандай бўлди.

## Хулоса ўрнида

Болалигимизда акаси бор қизларни ҳеч ким хафа қилолмасди. Бунга ботинолмасди ҳам. Негаки, уларнинг юриш-туришини назорат қилувчи, бир сўз билан айтганда, ҳимоячи-қалқони — акаси бор-да! Сингиллар ҳам акалари билан шу даражада фахрланишардики, буни сўз билан таърифлаш қийин. Бундан айтиш мумкинки, ака сингил учун бир ғурур, ифтихор, таянч бўлса, сингил ҳам ака учун ҳам ор, фахр ҳисобланарди. Асрлардан-асрларга ўтиб келаётган ва қадриятларимизга айланиб кетган ушбу ёзилмаган қонун бугун ҳам ўз қадрини йўқотмаган. Аммо, буни кўпчилигимиз англайвермаймиз. Оилада ака-сингиллик муносабатларининг кескинлашуви эса эътиборсизлигимиз, яқинларимизга нисбатан озгина меҳрни аяшимизда, десак хато бўлмайди. Истаймизми, йўқми, бу бор ҳақиқат. Ака-сингиллик муносабатларига ҳам худди шу нуқтаи назардан путур етади. Айтмоқчи бўлганимиз, оиладаги тенгсизлик, ўғилни қиздан айрича кўриш кўп ҳолларда юқоридағи воқеаларнинг содир бўлишига олиб келади. Уларнинг олдини олиш учун эса инсоний фазилатларимизни яна бир карра чиғириқдан ўтказишга тўғри келади. Ҳолбуки, бизда меҳр ҳам, инсоф ҳам керагича топилади.

... Буғдойзор оралаб қўлларида иссиқ нон, иссиқ меҳр билан сингилни йўқлаб оға келаяпти. Буғдойзорлар, йўл беринг.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

## *Болалар учун туҳфа*

Иштихон туманидаги Митан шаҳарчасида болалар учун спорт мажмуаси қурилиб фойдаланишга топширилди. Замонавий мажмуада ёшлар йил давомида спортнинг баскетбол, волейбол, кураш, каратэ сингари бир неча турлари билан мунтазам шуғулланиш имкониятига эга бўлдилар.

Ушбу спорт иншооти қурилишида тумандаги барча корхона ва ташкилотларнинг, хусусан, “Уч қаҳрамон” ширкат хўжалиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлимининг ҳам ҳиссаси катта бўлди.

**А. САТТОРОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 19 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 762,86 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1883,39 |
| 1 Дания кронаси | 175,25 |
| 1 БАА дирхами | 284,25 |
| 1 АҚШ доллари | 1044,01 |
| 1 Миср фунти | 168,12 |
| 1 Исландия кронаси | 14,91 |
| 1 Канада доллари | 833,54 |
| 1 Хитой юани | 126,14 |
| 1 Малайзия ринггити | 274,78 |
| 1 Польша злотийси | 302,79 |
| 1 СДР | 1539,07 |
| 1000 Туркия лираси | 0,70 |
| 1 Швейцария франки | 846,65 |
| 1 ЕВРО | 1302,82 |
| 10 Жанубий Корея вони | 9,13 |
| 10 Япония иенаси | 95,56 |
| 1 Россия рубли | 35,86 |
| 1 Украина гривнаси | 196,73 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

*Ташкилот ва корхоналар диққатига !*

ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ**

***2005 йил манзил рўйхатига киритилиши режалаштирилган қуйидаги объектларга танлов савдоларида қатнашиш учун талабгор ташкилотларнинг малакасини олдиндан аниқлаш бўйича танлов***

**ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

ЯНГИ ҚУРИЛИШ

1. Қўрғонтепа туманининг «Дўстлик» ширкат хўжалигидаги 216 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 22-сонли мактаб.
2. Жалақудуқ туманининг Ойим қишлоғидаги 216 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 40-сонли мактаб.

КАПИТАЛ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ

1. Андижон шаҳрининг «Бўстон» МФЙдаги 2042 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 6-сонли мактаб.
2. Андижон туманининг «Найман» ҚФЙдаги 450 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 19-сонли мактаб.
3. Асака туманининг Қадим қишлоғидаги 740 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 18-сонли мактаб.
4. Балиқчи туманининг «Бўстон» ҚФЙдаги 310 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 21-сонли мактаб.
5. Булоқбоши туманининг Дўлан қишлоғидаги 460 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 9-сонли мактаб.
6. Бўз туманининг «Янги турмуш» ҚФЙдаги 290 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 18-сонли мактаб.
7. Избоскан туманининг «Ўртоқлар» ҚФЙдаги 220 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 23-сонли мактаб.
8. Жалақудуқ туманининг Охунбобоев шаҳридаги 800 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 3-сонли мактаб.
9. Марҳамат шаҳридаги 520 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 40-сонли мактаб.
10. Пахтаобод туманининг «Ҳақиқат» ш/хдаги 240 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 37-сонли мактаб.
11. Улуғнор туманининг Мингбулоқ қишлоғидаги 230 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 2-сонли мактаб.
12. Хўжаобод туманининг «Бирлашган» ҚФЙдаги 315 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 15-сонли мактаб.
13. Шаҳрихон туманининг «Тоштепа» ҚФЙдаги 365 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 30-сонли мактаб.
14. Қўрғонтепа туманининг «Деҳқончек» ш/хдаги 180 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 18-сонли мактаб.
15. Қорасув шаҳридаги 260 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 2-сонли мактаб.

**Қурилиш ва капитал реконструкция ишларини молиялаштириш 2005 йил манзил рўйхатига асосан давлат марказлашган капитал маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.**

КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ

1. Андижон шаҳридаги 1464 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 4-сонли мактаб.
2. Андижон шаҳридаги 850 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 24-сонли мактаб.
3. Андижон шаҳридаги 1500 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 5-сонли мактаб.
4. Андижон шаҳридаги 1250 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 32-сонли мактаб.
5. Асака шаҳридаги 1696 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 3-сонли мактаб.
6. Андижон туманидаги 520 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 27-сонли мактаб.
7. Андижон туманидаги 425 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 22-сонли мактаб.
8. Андижон туманидаги 844 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 21-сонли мактаб.
9. Андижон туманидаги 1260 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 33-сонли мактаб.
10. Асака туманининг Қоратепа қишлоғидаги 624 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 46-сонли мактаб.
11. Асака туманидаги 540 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 33-сонли мактаб.
12. Асака туманидаги 592 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 44-сонли мактаб.
13. Асака туманидаги 560 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 36-сонли мактаб.
14. Балиқчи туманидаги 624 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 14-сонли мактаб.
15. Балиқчи туманидаги 1176 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 35-сонли мактаб.
16. Балиқчи туманидаги 784 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 26-сонли мактаб.
17. Балиқчи туманидаги 822 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 44-сонли мактаб.
18. Бўз туманидаги 640 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 6-сонли мактаб.
19. Бўз туманидаги 422 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 21-сонли мактаб.
20. Булоқбоши туманидаги 504 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 19-сонли мактаб.
21. Булоқбоши туманидаги 784 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 3-сонли мактаб.
22. Избоскан туманидаги 1176 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 17-сонли мактаб.
23. Избоскан туманининг Пойтуғ шаҳридаги 834 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 4-сонли мактаб.
24. Избоскан туманидаги 624 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 6-сонли мактаб.
25. Избоскан туманидаги 964 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 11-сонли мактаб.
26. Жалақудуқ туманидаги 480 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 2-сонли мактаб.
27. Жалақудуқ туманидаги 440 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 5-сонли мактаб.
28. Жалақудуқ туманидаги 490 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 17-сонли мактаб.
29. Жалақудуқ туманидаги 680 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 4-сонли мактаб.
30. Марҳамат туманидаги 360 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 14-сонли мактаб.
31. Марҳамат туманидаги 500 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 23-сонли мактаб.
32. Марҳамат туманидаги 640 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 25-сонли мактаб.
33. Олтинкўл туманидаги 150 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 29-сонли мактаб.
34. Олтинкўл туманидаги 170 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 24-сонли мактаб.
35. Олтинкўл туманидаги 150 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 47-сонли мактаб.
36. Олтинкўл туманидаги 480 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 2-сонли мактаб.
37. Олтинкўл туманидаги 480 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 21-сонли мактаб.
38. Пахтаобод туманидаги 420 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 11-сонли мактаб.
39. Пахтаобод туманидаги 840 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 39-сонли мактаб.
40. Пахтаобод туманидаги 624 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 3-сонли мактаб.
41. Пахтаобод туманидаги 320 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 31-сонли мактаб-интернат.
42. Улуғнор туманидаги 546 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 6-сонли мактаб.
43. Улуғнор туманидаги 462 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 8-сонли мактаб.
44. Хўжаобод туманидаги 560 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 11-сонли мактаб.
45. Хўжаобод туманидаги 624 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 8-сонли мактаб.
46. Хўжаобод туманидаги 70 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 9-сонли мактаб.
47. Шаҳрихон туманидаги 280 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 21-сонли мактаб.
48. Шаҳрихон туманидаги 600 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 26-сонли мактаб.
49. Шаҳрихон туманидаги 240 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 45-сонли мактаб.
50. Шаҳрихон туманидаги 760 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 3-сонли мактаб.
51. Шаҳрихон туманидаги 954 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 42-сонли мактаб.
52. Шаҳрихон туманидаги 540 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 60-сонли мактаб.
53. Қўрғонтепа туманидаги 720 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 5-сонли мактаб.
54. Қўрғонтепа туманидаги 924 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 10-сонли мактаб.
55. Қўрғонтепа туманидаги 560 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 21-сонли мактаб.
56. Қўрғонтепа туманидаги 630 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 34-сонли мактаб.
57. Қўрғонтепа туманидаги 834 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 35-сонли мактаб.
58. Қорасув шаҳридаги 684 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 3-сонли мактаб.
59. Хонобод шаҳридаги 1176 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 4-сонли мактаб.

**Бундан ташқари 2005 йил манзил рўйхатига киритилган 14 та жорий таъмирланадиган мактабларга эркин савдо ўтказилади.**

Капитал таъмирлаш ишларини молиялаштириш бюджет маблағлари бўлмаган мактаб таълим фонди ҳисобидан амалга оширилади.

**Буюртмачи — Андижон вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси *(Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси. Телефонлар: 25-25-61, 24-33-72).***

**1. Андижон шаҳар сув ва оқава сув тармоқларини кенгайтириш ва қайта таъмирлаш иншоотларига лойиҳа ҳужжатлари (ПТЭО)ни тайёрлаш.**

**Буюртмачи — Андижон вилояти «Сувоқава» ишлаб чиқариш бошқармаси.**

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Андижон шаҳри, Б.Ҳакимов кўчаси, 14-а уй. Тел./факс: 24-72-79.**

***Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи малакадан ўтган пудратчи ташкилотлар (оферентлар) учун – эллик минг сўм.***

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан 30 кун ўтганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилида ўтказилади.

**Изоҳ:** *Ушбу иншоотлар рўйхатига 2005 йил манзил рўйхатини тасдиқлаш жараёнида ўзгартиришлар киритилиши мумкин.*

9934Р/2314

